


Исроф қилишдан тўхтанг



13:30 / 01.06.2021 8306

Азизлар! Аллоҳга беадад шукрлар бўлсинким, сиз билан бизни «Ибратли дунё» туркумидаги суҳбатларимизни давом эттиришга муяссар қилмоқда.

Бугунги суҳбатимизда сиз азизлар билан ҳаётда ҳаммамиз учун муҳим бўлган бир масалани муҳокама қилиб, ундан ибрат олиш борасидаги фикрларимизни баҳам кўрмоқчимиз.

Яқинда қабулимга бир одобли инсон кириб келди. У киши тез-тез зиёратимизда бўлиб, қабулимизга кирар, ҳол-аҳвол сўрашиб, баъзи ҳолатларда ўзига керакли саволларни берар, баъзи бир фикр-мулоҳазаларни ҳам айтиб турар эди. Бу киши қабулимиз асносидаги суҳбатларимизда менда жуда яхши таассурот қолдирган, ўзининг юксак даражадаги одоби билан, теран фикр-мулоҳазалари билан танилиб қолган эди. Бу сафар ҳам одатдагидек кириб ўтириб, ўзини ниҳоятда гўзал одоб билан тутиб, ҳол-аҳвол сўради, баъзи саволларни берди. Бироз фикр алмашгандан сўнг:

– Тақсир, сизга бир масалани айтсам бўладими? Бир савол мени жуда ўйлантириб қўйди, – деди.

– Марҳамат қилинг, – дедим. У шундай гап бошлади:

– Ҳозирги кунда масжидларимиздаги таҳоратхоналарда ўта бепарволик туфайли жуда кўп сув исроф қилинаётгани мени ташвишга соляпти. Бу ҳолатни кўриб, жуда афсус қиламан. Мўмин-мусулмон бўлатуриб, намозхон бўлатуриб, масжиднинг ёнгинасида таҳорат қилатуриб, шариатимизнинг исрофгарчиликка қарши таълимотларига амал қилмаётган баъзи биродарларимизни кўрсам, жуда афсусланиб кетаман. Баъзи бир таҳоратхоналарга кўзга кўринарли жойга «Илтимос, сувни исроф қилманг», деган маънодаги махсус ёзувлар ҳам илиб қўйилган. Одамларимиз эса бу ёзувларни кўриб туриб, уларнинг шундоққина тагида ўтириб, бу кўрсатмага тескари иш қилишади, сувни ўта исроф қилиб юборишади. Бундан жуда ўйланиб қолдим. Эҳтимол, таҳоратхона ичкарасига овоз кучайтиргич жиҳозларини ўрнатиб, «Сувни исроф қилманглар, сувни исроф қилиш гуноҳ бўлади», деб айтиб туриш керакдир. Шундай ҳолатларнинг устидан чиқиб қолсам, яъни сувни исроф қилаётган биродарларимизни кўриб қолсам, «Биродар, сув исроф бўляпти. Шу ишни қилмаганимиз маъқул. Бундай қилмайлик», деб айтсам бўладими?

– Бўлади. Одоб билан, секинлик билан тушунтириб айтсангиз бўлади, – дедим.

Дейишга дедиму, ўйланиб қолдим. Ҳақиқатдан ҳам нафақат таҳоратхонада, балки бошқа жойларда ҳам исрофгарчилик, тежамкорликни маҳкам ушламаслик ҳоллари учраб туради.

Яна ҳалиги биродаримизнинг таҳоратдаги исроф хусусидаги фикрларига қайтамыз. Бу гапларни уламолар билан бирга ўтирган пайтимизда уларга айтдим. Шунда домлаларимиздан бири шундай деб қолди:

«Бир киши масжиднинг таҳоратхонасида таҳорат қиляпти. Жўмракдаги сувни охиригача очиб қўйган. Юз-қўлини ювиб бўлгач, оёқ кийимини ва пайпоғини ечиб, ўнг оёғини ювишга тушди. Ювиб бўлгач, уни артиб, қурипти, пайпоғини ва оёқ кийимини қайтадан кийиб бўлгунича сув оқиб тураверди. Қарасам, чап оёғидаги пайпоқни ечиб, оёғини ювиб, артиб, қурипти, яна кийгунича ҳам сув оқиб тураверади. Шу пайт бизни кузатиб турган бир киши: «Биродар, сув исроф бўлиб кетяпти. Бунга жиддий қарашимиз керак. Сал тежасангиз бўларди», деди. Ҳалиги одам эса истеҳзо билан қараб: «Одамлар жуда ақлли бўлиб кетишибдими?» деди...»

Ана бепарволик! Ана исрофга эътиборсизлик! Ҳолбуки, биз мусулмон умматимиз, Роббимиз томонидан, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи

васаллам томонларидан, шариатимиз томонидан исрофгарчиликдан қайтарилган умматмиз, ҳар бир ишда тежамкор бўлишга буюрилган умматмиз. Ҳаётимизнинг ҳеч бир жабҳасида исрофгарчиликка йўл қўймасликка амр қилинган умматмиз.

«Исроф» сўзи араб тилида «ҳаддан ошиш» маъносини билдиради.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деган:

«Еб-ичинг ва исроф қилманг. Чунки У исроф қилувчиларни севмас»
(Аъроф сураси, 31-оят).

Демак, еб-ичишда ҳам исроф қилиш мумкин эмас экан. Модомики, еб-ичишда исроф қилмаслик керак экан, демак, бошқа ҳар бир ишда ҳам исрофга йўл қўймаслик лозим бўлади. Биз еб-ичишда исроф қилмаслик деганда нимани тушунамиз? Кўпчилигимиз еб-ичиб, тўйгандан кейин ортиб қолган нарсани ташлаб юборишни исроф деб тушунамиз.

Аслида бундай эмас. Шариатга кўра, керагидан ортиқ ейиш ҳам исроф бўлади. Расули акрам алайҳиссалому вассалом ейишда, ичишда инсон қорнининг учдан бири озуқа учун, учдан бири суюқлик, сув учун ва учдан бири ҳаво учун бўлиши кераклигини буюрганлар. Бундан ортиғи исроф бўлади. Бу ишни қилганлар Аллоҳ суймаган ишни қилганлари учун У Зотнинг муҳаббатидан мосуво бўладилар.

Яна бугунги суҳбатимизнинг бошланишига сабаб бўлган таҳорат қилиш мавзусига қайтсак. Ҳадиси шарифларда шундай дейилади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам таҳорат қилаётган буюк саҳобалардан бири Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳунинг сувни кўпроқ ишлатаётганини кўрдилар ва унга: «Ҳой Саъд! Бу қандай исрофгарчилик?!» дедилар. Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу: «Эй Аллоҳнинг Расули! Таҳоратда ҳам исроф бўладими?» деди. У Аллоҳнинг ибодати учун таҳорат қилаётганда сувни сал кўпроқ ишлатиш исроф саналмаса керак, деб ўйлаган экан. Шунда у зот алайҳиссалом: «Ҳа, ҳатто оқиб турган дарёнинг ёқасида бўлсанг ҳам», дедилар».

Бир ўйлаб кўрайлик. Бир киши оқиб турган дарёнинг, сойнинг бўйида ўтириб, қўлини сувга солиб, таҳорат қиляпти. Қилган таҳоратидан тушган сув яна оқар сувга тушиб, қўшилиб оқиб кетяпти. Лекин шунда ҳам исроф қилмаслик керак экан.

Бугунги кунимизга назар соладиган бўлсак, ушбу ҳадисга мутлақо амал қилинмаётганини кўрамиз. Таҳоратхонада таҳорат қилаётган биродаримизнинг бир оёғини ювиб бўлиб, кейингисига ўтгунича сувни беркитиб қўймаётганига, ҳатто бундан ҳам оғирроқ ҳолатларга гувоҳ бўламиз. Афсуски, нафақат таҳоратда, балки бошқа ишларда ҳам шундай ҳолатларни кузатиш мумкинки, исрофгарчиликнинг чеки тобора кўринмай бормоқда.

Ўтган азизларимиз мана шуларнинг мулоҳазасини қилишган, фуқаҳоларимиз ўша вақтнинг ўлчовларида таҳоратга мана шунча, ғуслга мана шунча миқдорда сув ишлатилади, бундан ортиғи исрофдир, деб қарор чиқарганлар.

Ўша пайтнинг усталари, мисгарлари таҳорат қилинадиган идишни айнан шунча миқдор сув сиғадиган қилиб ясаганлар. Ғусл қилиш учун ишлатиладиган идиш ҳам фуқаҳолар белгилаб берган миқдордаги сув билан тўладиган қилиб ясалган. Одамлар эса бу нарсаларга сўзсиз амал қилишган.

Бугунги куннинг уламолари ҳам нафақат таҳорат ёки ғуслда, балки кундалик ҳаётимизда дуч келадиган барча ҳолатларда умматни исрофдан қайтариш бўйича ваъз-насиҳатлар қилишлари, китоблар ёзишлари, тушунтириш ишлари олиб боришлари керак. Эл-юрт, халқ, мўмин-мусулмонлар эса уларга оғишмай амал қилишлари лозим.

Исрофни турмушнинг ҳамма соҳасида кўриш мумкин. Масалан, электр чироқларни олайлик. Эътибор берадиган бўлсак, ёшларимиз бир хонага кириб, чироқни ёқиб, ишини битиради, лекин чиқиб кетишда уни ўчириб қўйишни унутишади. Ёқилган чироқ уч-тўрт кунгача ҳам ўчмай тураверади. Яна бир мисол: Ҳозир автоуловлар ниҳоятда кўпайган, бироқ уларнинг қадрига етиш йўқ. Автоуловлардан фойдаланишда, уларни парвариш қилишда ҳам кўп исрофгарчиликка йўл қўйилади. Бошқа ҳолатларда ҳам шу аҳвол.

Бир томчи сувни ҳам исроф қилмаслик, электр қувватини тежаш, уни бир лаҳза ҳам беҳуда сарфламаслик, исроф қилмаслик жамиятда яшовчи ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Кийим кийишда, юриш-туришда, умуман, ҳар бир соҳада тежамкор бўлиш лозим. Исрофчилар Аллоҳнинг иродасига, Қуръони Каримга тескари иш қилаётганини англабгина қолмай, бошқаларга ҳам тушунтиришимиз керак.

Ана шунда тежамкорлигимиз ўзимизга, оилавий иқтисодимизга, жамиятимизга, бутун эл-юртимизга фойда келтирадиган, савоб касб қилишга сабаб бўладиган солиҳ амалга айланади.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло барчамизни исрофчи бўлишдан асрасин, доимо тежамкор бўлишимизни насиб қилсин, бу борада Ўзининг таълимотига амал қилганимиз учун хайр-барака ато этиб, ажру савобни кўпайтириб берсин.

Ва аахиру даъвауна анил ҳамду лиллааҳи Роббил ъааламийн.

Вассаламу алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳу!

(Иқтибос тугади)

Ҳозирги кунда ичимлик суви муаммоси бутун жаҳон миқёсида энг биринчи даражали ташвишлардан бўлиб турибди. Бугунги кунда дунёда 1.100.000.000 киши ёки жами аҳолининг олтидан бир қисми тоза ичимлик сувига муҳтож. Ҳозирги пайтда жами 470 миллион киши сув тақчиллиги кескинлашган минтақаларда, 2,4 миллиард киши эса сув тозалаш қурилмалари ва дренаж тизими орзулигича қолаётган ўлкаларда яшайди. Яна йигирма йилдан кейин сув етишмайдиган ўлкаларда яшовчилар сони олти бараварга кўпайиб, уч миллиард кишига етиши тахмин қилинмоқда. Сифатли ичимлик суви етишмаслиги оқибатида жаҳонда йилига ўн миллион киши касалланиб, нобуд бўлаётир.

Дунёнинг жуда кўп мамлакатларида миллионлаб одамлар тоза ичимлик сувига ташна, бир челак сув учун жанжал-можаролар бўлаётган бир пайтда бизлар тоза ичимлик сувини жўмраклардан оқизиб қўймоқдамиз. «Нега бундай?» десангиз, «Совуқда музлаб қолади», деб баҳона топамиз. Тоза ичимлик суви билан экинларимизни суғорамиз, машинамизни ювамиз, ҳовлиларимизни, кўчаларимизни салқинлатиш учун ичимлик сувини сепамиз. Айниқса, таҳорат ва ғусл қилишда одамларнинг қанчалар сув исроф қилаётганини кўрганда тежамкорлик деган нарсанинг батамом нутилганига яна бир бор иқрор бўламиз.

Сувни исроф қилишнинг ҳар хил кўринишлари бор. Аксарият кишилар тарвуз-қовун, ичимликларни салқинлатиш учун уларнинг устидан соатлаб ичимлик сувини оқизиб қўядилар. Буни исрофдан бошқа нима дейиш мумкин? Тоза ичимлик сувини оқизиб, машиналарини ювадиган юртдошларимизни ҳар қадамда учратиш мумкин. Ахир мева ёки ичимликларни бошқа йўл билан ҳам совутиш, машинани ювиш учун

челакдан фойдаланиш, сувни тежаб-тергаб ишлатиш ҳам мумкин-ку. Сув бандаларга Аллоҳ берган буюк неъматлардан биридир. Аллоҳ таоло бандаларини Ўзи берган неъматларидан унумли фойдаланиб, исрофгарчиликка йўл қўймасликка буюради. Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш дунёвий (глобал) муаммо даражасига кўтарилган бир паллада қўни-қўшни, ёру дўстларимизни сувни тежашга чақирсак, иншааллоҳ, бу дунёда кўплаб ютуқларга, охиратда эса Аллоҳнинг розилигига сазовор бўламиз.

Ҳар биримиз бу борадаги исрофгарчиликка барҳам беришга ҳаракат қилишимиз, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳам сувни исроф қилмаслик, уни тежамкорлик билан ишлатиш руҳида тарбиялаб боришимиз керак.

Ибн Аббосдан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Солиҳ ҳидоят, гўзал кўриниш ва иқтисодли бўлиш набийликнинг етмишдан бир жузидир», дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

Ўзини салоҳиятли тутиш, гўзал кўриниш, вазминлик, сукут, виқор ва тежамкорлик набийликнинг етмиш жузидан бири экан.

Албатта, набийлик буюк, олий бир мақом. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бундай мақомни санокли бандаларига берган, холос. Лекин ана шу олиймақом сифатнинг ичидаги мазкур сифатлар нубувватнинг етмиш жузидан бири экан. Бу нарсага яқин бўлиш ҳар бир мўмин-мусулмоннинг бурчи ҳисобланади.

Доим аҳли солиҳлардан бўлиб, ҳидоятда юриш, ўзини ораста тутиш, одоб билан, виқор билан юриш ҳамда тежамкор бўлиш, исрофга йўл қўймаслик, ҳар бир нарсани ўз ўрнида, меъёрида тасарруф қилиш, керагидан ортиқ, беҳудага сарфламаслик набийликнинг етмиш жузидан бир жуз, етмиш бўлагидан бир бўлак экан. Буни ҳар бир мўмин-мусулмон – эркагу аёл, ёшу қари яхши ўзлаштириб олиб, ҳаётига татбиқ қилмоғи лозим.

Аллоҳ таоло бизларни барча ишларда, шу жумладан, сувни тежаш борасида ҳам тўғри йўлга бошласин!

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Исроф китобидан)